

Дунёдаги энг гўзал музей



15:00 / 04.08.2021 2293

National Geographic журнали Дубайда жойлашган «Келажак музейи» ни дунёнинг энг гўзал 14 музейидан бири ва уни архитектура мўъжизаси деб атади. Ҳозирда музей очилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳомийлар кенгаши раиси ўринбосари ва Дубай келажаги фонди бошқарувчи директори Муҳаммад Ал Гергавининг таъкидлашича, музей ўзига хос дизайн ва энг сўнги технологиялардан фойдалангани туфайли БАА ҳамда бутун дунё учун келажак эшиги бўлади.

Етти қаватли бино 30 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Баландлиги 77 метр, фасад майдони 17 минг кв метрга етади. Амирлик рассом Маттар бин Лаҳеж томонидан араб хаттотлиги билан безатилган. Фасадда вице президент, БАА бош вазири ва Дубай ҳукмдори, шайх Муҳаммад бин Рашид Ал Мактумнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «Биз юз йиллар

яшамаслигимиз мумкин. Лекин биз кетганимиздан кейин бизнинг бадий меросимиз асрлар давомида сақланиб қолади».

Фасад 1024 та пластинадан иборат бўлиб, бир ярим йил давомида йиғилган. Ҳар бир панел алоҳида ўрнатилади. Ушбу бино муҳандис Шон Кеила томонидан лойиҳалаштирилган.

Музей экспозицияси бизнинг давримиз таҳдидлари ва имкониятлари ҳамда келажак технологиясини ўрганишга бағишланади. Ичкарида капсулалар лифтлар, сезувчи деворлар ва юрвчи ёрдамчи роботлар бор. Дубай Футуре Фоундатион томонидан яратилган музей сунъий интеллект ва инновациялар соҳасида янги ечимларни ишлаб чиқмоқда.

Emirates News Agency ахборот агентлигининг хабар беришича, асосий эътибор иқлим ўзгариши учта асосий муаммога қаратилади: тоза сувдан фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва шаҳар қурилиши модернизацияси. Бу муаммоларни ҳал қилиш бутун инсоният ҳаётини яхшилайти ва жаҳон иқтисодиётини мустаҳкамлайди.

Хуршид Маъруф